

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2019 йил апрель ойининг 25 куни жиноят ишлари бўйича Сариосиё туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи А.Қ.Мирзаев, А.Салимовнинг котиблигида, томонлардан Сариосиё туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Аминов, судланувчи А.Алулов ва унинг ҳимоячиси Денов туманидаги “Бунёд” адвокатлик фирмаси адвокати Л.Боймирзаеванинг иштирокида, А.Алуловга нисбатан 1-1911-1901/13-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Алулов Алуло Алулович (Aluloyev Alulo Aluloyevich) 1962 йил 06 март куни Сариосиё туманида туғилган, миллати тожик, ўзбек тилини яхши билади, таржимонга мухтож эмас, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам 07.03.2017 йилда жиноят ишлари бўйича Узун туман судининг ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 176-моддаси 1-қисми билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 12.10.2016 йилдаги амнистия қарорининг 2-банди қўлланилиб, жазодан озод қилинган, вақтинча ишсиз, Сариосиё тумани, “Шахрисабз” маҳалласи “Холбобо” қишлоғида яшайди, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 28.03.2019 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 273-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### **А Н И Қ Л А Д И :**

А.Алулов, ўзига илгаридан таниш бўлган А.Абдуловдан “Марихуана” гиёҳвандлик ўсимлигининг тўрт дона уруғини олиб, ушбу уруғларни, 2018 йил март ойи охирида Сариосиё тумани “Қундайижувоз” маҳалласининг тоғли ҳудудида ўсган арча дарахти тагига экиб, ўсиб чиққан бир туп таркибида гиёҳвандлик воситаси бўлган «Марихуана» ўсимлигини қонунга хилоф равишда парваришлаб, етиштирган.

А.Алулов ўзининг юқоридаги жиноий қилмиши учун жазоланмай қолганлигидан фойдаланиб, такроран жиноят содир этиш йўлига кириб, А.Абдулов билан ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, ўзи

экиб этиштирган “Марихуана” гиёҳвандлик воситасини А.Абдулов томонидан топилган мижозларга қонунга ҳилоф равишда сотиб ўтказишга олдиндан келишиб, 2019 йил 07 январь куни соат 16<sup>15</sup>да, Сариосиё тумани марказидаги янги бозорга кириш эшиги олдида, А.Алулов тадбирга мижоз сифатида жалб қилинган “Б” ва “Р” исмли шахслардан 450.000 сўм пулларни олиб, эвазига 10 дона дафтар вароғига жойлаштирилган “Марихуана” гиёҳвандлик воситасини сотаётган вақтида тезкор ходимлар томонидан қўлга олиниб, шахсий тинтув қилинганида эгнидаги шимининг олд чап чўнтагида рангсиз целофан пакет ичида 10 дона дафтар вароғига жойлаштирилган 3,3 грамм «Марихуана» гиёҳвандлик воситаси ҳамда тадбирда ишлатилган 45.000 сўм пуллар борлиги аниқланиб, холислар иштирокида ҳужжатлаштирилиб олинган.

Вилоят наркология экспертизасининг 2019 йил 15 январь кунидаги 9-сонли хулосасига кўра, Ф.Х.Толибов Наркомания (Марихуана) касаллиги билан касалланганлиги сабабли мажбурий тиббий даволанишга муҳтожлиги қайд этилган.

Судланувчи А.Алулов суд мажлисида ўз айбига иқролик билдириб, ҳақиқатдан ҳам, 2017 йил тахминан март ойида ўзига таниш бўлган А.Абдуловдан 4 дона наша гиёҳвандлик воситасининг уруғини олиб, март ойининг охирларида тоғли “Кундайижувоз” қишлоғига бориб, қаровсиз ер майдонидаги арчаларни тагига экканлигини, ҳар замонда бу ерга келиб, ўсиб чиққан наша гиёҳвандлик воситасини билиниб кетмаслиги учун шохларини кесиб турганлигини, 2017 йил май ойида ишлаш мақсадида Россия давлатига бориб, ноябрь ойига қайтиб келганлигини, тоғли “Кундайижувоз” қишлоғига бориб, қаровсиз ер майдонидаги арчаларни тагига эккан наша гиёҳвандлик воситасини кўрганида пишган ҳолатда турганини билганлигини, ушбу нашани икки дона бош қисмини узиб, уйига олиб келганлигини ва тўрт ой давомида ўзи истеъмол қилганлигини, келажакда яна экиш мақсадида наша гиёҳвандлик воситасини тўрт дона уруғини олиб қолганлигини, 2018 йил февраль ойининг охирларида тоғли “Кундайижувоз” қишлоғига бориб, қаровсиз ер майдонидаги арчаларни тагига наша гиёҳвандлик воситаси уруғини экканлигини, 2018 йил май ойида ишлаш мақсадида Россия давлатига бориб, декабрь ойига қайтиб келганлигини, “Кундайижувоз” қишлоғига бориб, қаровсиз ер майдонидаги арчаларни тагига эккан наша гиёҳвандлик воситасини излаб, қорни тагидан чириган ҳолатда топганлигини, шундай бўлса ҳам уни юлиб, уйига олиб келганлигини, 2018 йил декабрь ойининг ўрталарида А.Абдуловнинг сомсахонасига борганида, А.Абдулов ундан наша гиёҳвандлик воситаси бор-йўқлигини сўраганлигини, унга ўзини ёнида бўлган наша гиёҳвандлик воситасини борлигини айтмасдан, “Бир танишимда бор, олиб келаман” деб айтиб, шифохонага бориб ўзини ишларини бажариб, кейин А.Абдуловни олдига қайтиб келганлигини ва унга бир маротаба чекиш учун мўлжалланган наша гиёҳвандлик воситасини бериб, пули керак эмаслигини, 2-3 марта сомса еб кетишини айтганлигини, шундан сўнг декабрь ойининг охирларида А.Абдулов билан яна бир марта наша гиёҳвандлик воситасини бирга истеъмол қилганлигини, 2019 йил 07 январь куни А.Абдулов унга

телефон қилиб, чақирганлигини, А.Абдуловни олдига борганида, А.Абдулов унга Олтинсой туманидан таниши келганини, унга наша гиёҳвандлик воситаси топиб бериш кераклигини айтганлигини, А.Абдуловга бу одамларни кимлигини, кўзига бегонадай кўринаётганлигини айтганида А.Абдулов унга “Менга қандай ишонсанг, буларга ҳам шундай ишонгин, сени уялтирмайди, булар ишонарли одамлар” деб айтганлигини, кейин ушбу одамлар билан А.Абдулов орқали танишганлигини, улар дастлаб бир ўрам кейин эса ўн ўрам наша гиёҳвандлик воситасини топиб беришни сўрашганлигини, улар ўн ўрам наша гиёҳвандлик воситасини 450.000 сўмга келишишганлигини, ўша нотаниш шахс ёнида 400.000 сўм борлигини айтиб, шеригига телефон қилиб, 50.000 сўм пул олиб келишини айтганлигини, орадан ярим соат вақт ўтгач унинг шериги 50.000 сўм олиб келганлигини, улардан 450.000 сўмни олиб, наша гиёҳвандлик воситаси ёнида бўлсада, уларга ишонмаганлиги учун, шу атрофда кутиб туришни, ҳозир олиб келишини айтиб, бошқа такси автомашинасига миниб, Аэропорт маҳалласига бориб, Фаррух исмли ўртоғига 400.000 сўм қарзини бериб, қайтиб Сариосиё туман марказидаги савдо бозорининг олдига тушиб, наша гиёҳвандлик воситасини олувчи мижозларни олдига бораётганида улар иккаласи икки томонга қараб юриб кетишганлигини, шунда уни орқасидан уч нафар фуқаролик кийимида бўлган шахслар келишиб, ўзларини Транспортда ЖХТБ ЖҚБ тезкор вакиллари эканлигини айтишиб, Сариосиё бекатида ЖХТБ бўлинмаси биносига улар билан бирга боришлигини айтишганлигини, улар билан бирга борганлигини, у ерда уни икки нафар холислар иштирокида ёнларини кўздан кечирилганда эғнида бўлган кўк рангли жинси шим чап олд чўнтагидан 10 дона қоғоз ўрамларига ўралган наша гиёҳвандлик воситалари, чап олд чўнтагидан эса 52.000 сўм пул маблағлари борлигини аниқлашганлигини, ходимларга 10 дона дафтар вароғига жойлаштирилган модда наша гиёҳвандлик воситаси эканини ва бўлиб ўтган барча ҳолатларни айтиб берганлигини, шунда Транспортда ЖХТБ ходимлари холислар иштирокида бу ҳақда баённома тузишганлигини, ушбу гиёҳвандлик воситаси ва пул маблағлари алоҳида-алоҳида оқ конвертга солиниб, муҳрланганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, оилавий аҳволини инобатга олиб, ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ М.Алияров суд мажлисида ҳақиқатдан ҳам, 2019 йил 07 январь куни Сариосиё темир йўл бекатида ишда бўлган вақтида Транспортда ЖХТБ ходимлари уни олдига келишиб, бир иш юзасидан холис сифатида иштирок этишини сўрашганлигини, унга ва П.Тажиевга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришганидан сўнг улар рози бўлишганлигини, Транспортда ЖХТБ ходимлари уларга Узун туманида яшовчи “Б” ва “Р” исмли шахсларнинг аризасини ўқиб беришганлигини, кейин тадбирга ишлатиладиган 450.000 сўм пулларнинг 205.000 сўмини сериялари ёзиб олинганлигини, жами 450.000 сўм пуллар гиёҳвандлик воситасини сотиб олиш учун “Б” ва “Р” исмли шахсларга берилганлигини, шу куни соат 16<sup>15</sup> да Сариосиё туман марказидаги бозорни олдида ўтказилган тадбирда А.Алулов ушланиб, шу ерда одамлар кўплиги сабабли Сариосиё бекатида ЖХТБ навбатчилик қисмига олиб келиниб, уларни

иштирокида шахсий тинтув қилишганлигини, А.Алуловни кийиб юрган кўк рангли жинси шимининг олд чап чўнтагидан бир дона рангсиз целофан пакет чиққанлигини, уни ичи очиб кўрилганида ичида ўн дона қоғоз бўлаклари борлиги аниқланганлигини, қоғоз бўлаклари очиб кўрилганида ичида курук ҳолдаги, яшил рангли, ўткир ҳидли наша гиёҳвандлик воситасига ўхшаш модда борлиги аниқланганлигини, ушбу топилган моддалар электрон тарозида ўлчаб кўрилганида қоғозлари билан оғирлиги 9,33 граммни ташкил қилганлигини, Транспортда ЖХТБ ходимлари А.Алуловдан ушбу моддани нималигини сўраганларида, А.Алулов ушбу моддани наша гиёҳвандлик воситаси эканлигини, уни ҳар бир қоғоз бўлагини 45.000 сўмдан ҳисоблаб 450.000 сўмга сотганлигини, ўзи мунтазам равишда наша гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиб келишини билдирганлигини, кейин А.Алуловни кийиб юрган кўк рангли жинси шимининг олд ўнг чўнтагидан тинтув давомида жами 52.000 сўм пуллар чиққанлигини, Транспортда ЖХТБ ходимлари томонидан топилган модда ва пуллар алоҳида-алоҳида пакетларга солиниб, муҳрланганлигини, пакетларга ва аниқланган барча ҳолатлар юзасидан тузилган баённомага холис сифатида имзо қўйиб берганлигини баён қилиб кўрсатув берди.

Гувоҳ М.Тошбобоев суд мажлисида 2019 йил 07 январь куни Узун туманида яшовчи «Б» ва «Р» исмли шахслар Сурхондарё вилоят ИИБ Транспортда ЖХТБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат этишиб, ўз аризаларида, Сариосиё туманида яшовчи «Ваҳоб» ва «Фатилло» исмли шахсларни Наша яъни «Марихуана» гиёҳвандлик воситасини қонунга ҳилоф равишда сотиши, истеъмол қилишини ва унга нисбатан қонуний чора кўришни сўрашганлигини, ушбу ариза юзасидан тезкор тадбир олиб боришни режалаштирилиб тадбирга мижоз сифатида жалб қилинган «Б» ва «Р» исмли шахсларга назорат остида гиёҳвандлик воситасини сотиб олиш учун пуллар берилганлигини, бу ҳақида баённома тузишганлигини, 2019 йил 07 январь куни ўтказилган «Назорат остида гиёҳвандлик воситасини сотиб олиш» тезкор тадбири натижасида тадбирга мижоз сифатида жалб қилинган «Б» ва «Р» исмли шахслар Сариосиё тумани МСО мавзесидаги бир сомсахона олдига бориб, А.Абдулов билан учрашиб гаплашишганлигини, шунда А.Абдулов ўзининг қўл телефони билан кимгадир телефон қилганлигини, бир оз вақт ўтганидан сўнг, уларнинг олдига, А.Алулов келиб, тадбирга мижоз сифатида жалб қилинган «Б» ва «Р» исмли шахслар ва А.Абдулов билан учрашганлигини, ушбу жойда улар тахминан 15-20 дақиқа бирга суҳбатлашиб, шундан сўнг А.Алулов ўзи билан бирга тадбирга мижоз сифатида жалб қилинган «Б» ва «Р» исмли шахсларни олиб, киракаш автомашинаси билан Сариосиё тумани марказий бозорига кириш эшиги олдига қадар бирга боришганлигини, А.Алулов тадбирга мижоз сифатида жалб қилинган «Б» ва «Р» исмли шахслардан 450.000 сўм пулларни олиб, номаълум томонга кетиб, орадан 30 дақиқа ўтганидан сўнг тадбирга мижоз сифатида жалб қилинган «Б» ва «Р» исмли шахсларни олдига яқинлашиб, уларга гиёҳвандлик воситасини сотиб ўтказётганида, улар А.Алуловни ушлаб, ушбу жой жамоат жойи эканлигини инобатга олиб, Сариосиё бекатида ЖХТБ навбатчилик қисмига

олиб келишганлигини, холислар иштирокида, ундан ўзини таништиришини сўраганларида А.Алулов ўзини таништирганлигини, шундан сўнг Ф.Х.Толибовни шахсий тинтув қилишларини унга тушунтириб, уни шахсий тинтув қилишганлигини, тинтув давомида А.Алуловни кўк рангли жинси шимининг олди чап чўнтагидан бир дона рангсиз целофан пакетга ичида ўн дона қоғоз бўлаклари борлиги аниқланиб, унинг ичи холислар иштирокида очиб кўрганларида, унинг ичида яшил рангли ўткир хидли, ўсимликсимон «Марихуана» гиёҳвандлик воситасига ўхшаш модда борлиги аниқланиб, қоғоз ўрами ва рангсиз целофан пакет билан биргаликда қўшиб, электрон тарозида тортиб кўрганларида оғирлиги 9,33 граммни ташкил қилганлигини, А.Алуловдан унинг ёнидан чиққан моддалар нима эканлигини сўрганларида, А.Алулов «Наша» гиёҳвандлик воситаси эканлигини, уни хар бир донасини 45.000 сўмдан жами 450.000 сўм пул эвазига сотаётганлигини, ўзи мунтазам равишда Наша гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиб туришлигини, наша гиёҳвандлик воситасини 2018 йил февраль ойининг охирида Сарийоғ тумани Кундайжувоз қишлоғида жойлашган тоққа экиб етиштирганлигини маълум қилганлигини, шахсий тинтувни давом эттирганларида А.Алуловнинг кўк рангли жинси шимининг олди ўнг чўнтагида жами 52.000 сўм борлиги аниқланганлигини, аниқланган ҳолатлар юзасидан баённома расмийлаштирилганлигини, томонлардан эътирозлар бўлмаганлигини сабабли пакетларга ва баённомага барча иштирокчилар имзо қўйиб беришганлигини, тадбир давомида ноқонуний ҳаракатлар бўлмаганлигини баён қилиб кўрсатув берди.

Гувоҳ П.Тажиев судда гувоҳ М.Алияровнинг, қўшимча гувоҳлар Т.Ўринов ва Б.Арзиев судда гувоҳ М.Тошбобоевнинг кўрсатуви каби кўрсатув беришди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчининг кўрсатуви ва ҳимоячининг фикрини эшитиб, шунингдек, жинойт иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи А.Алуловнинг жинойт содир этганликдаги айби унинг ўзини айбига иқдорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, гувоҳларнинг суддаги кўрсатувлари, кўздан кечириш ва олиш баённомаси, фотосуратлар, дастлабки тушунтириш хатлари, суд-кимёвий экспертизасининг 08.01.2019 йилдаги 3-сонли хулосаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва ишга қўшиш ҳақидаги қарор ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи А.Алуловнинг жинойт қилмишини квалификация масаласини муҳокама қилиб, унинг ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 273-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди. Чунки, у тақиқланган экинларни етиштириш ҳамда бир гуруҳ бўлиб, озгинадан кўпроқ миқдордаги гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзлаб, қонунга хилоф равишда сақлаш ва сотиш билан боғлиқ жинойтни қасдан содир этган.

Суд судланувчи А.Алуловнинг айбига иқдорлиги ва қилган ишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар

деб, шу билан бирга жиноятни гиёҳвандлик воситаларни сотиб моддий бойлик орттириш мақсадида, яъни ғараз ва паст ниятларда ҳамда гуруҳда содир этганлигини жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги 1-сонли қарорининг 37-бандида “ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Бунда, қонунга мувофиқ, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олиш лозим. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)” деб кўрсатилган.

Суд судланувчи А.Алуловга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги белгиланганлигини, шунингдек, 26-бандида озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга қўлланиши мумкинлиги белгиланганлигини назарда тутиб, шу билан бирга, ушбу Пленум Қарорининг 37-бандига мувофиқ, унинг жазосини енгиллаштирувчи барча ҳолатларни, хусусан оилавий аҳволини, муқаддам судланмаганлигини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми «б» банди санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ушбу жазоларни ЖКнинг 59-моддасига асосан қисман кўшиш йўли билан узил-кесил тайинлашни, жазони ўташ жойларда унга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддаси асосида Наркомания (марихуана) касаллигига қарши мажбурий тиббий даволаш чоралари қўлланилишини белгилашни лозим топди.

Шунингдек, суд иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган ва 04.02.2019 йилдаги №0011659-сонли қвитанция асосида Сурхондарё вилоят ДХХ бошқармасида сақланаётган 3,25 грамм “Марихуана” гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни, шунингдек тадбир давомида ишлатилган 445.000 сўмни Транспортда ЖХТБ махсус фондига қайтарилганлигини инобатга олишни лозим топади.

Юқорида баён қилинганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

### Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Алулов Алуло Алулович (Aluloyev Alulo Aluloyevich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 273-моддаси 3-қисми «б» банди билан айбли деб топилсин.

Алулов Алуло Алуловичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан 1 (бир) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми «б» банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб 3 (уч) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Алулов Алуло Алуловичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман кўшиш йўли билан узил-кесил 4 (тўрт) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати 2019 йил 25 апрель кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Алулов Алуло Алуловичга нисбатан жазони ўташ жойларда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддаси асосида Наркомания (Марихуана) касаллигига қарши мажбурий тиббий даволаш чоралари қўлланилсин.

Алулов Алуло Алуловичга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залида қамоққа олинсин.

Гаров сифатида Сурхондарё вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамига тўланган 4.100.000 сўм ҳукм қонуний кучга киргач А.Алуловнинг оила аъзоларига қайтарилсин.

Иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган ва 04.02.2019 йилдаги №0011659-сонли қвитанция асосида Сурхондарё вилоят ДХХ бошқармасида сақланаётган 3,25 грамм “Марихуана” гиёҳвандлик воситаси ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

Тадбир давомида ишлатилган 445.000 сўм Сурхондарё вилоят ИИБ Транспортда ЖХТБ махсус фондига қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат

ичида, туман суди орқали Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судига апелляция тартибида, ўн кунлик муддат ўтганидан сўнг эса кассация тартибида шикоят, прокурор эса протест келтиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи**

**(имзо)**

**А.Қ.Мирзаев**

**Аслига тўғри:**